



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 29 » avgust

№ 426

Toshkent sh.

Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонунининг:

12-моддасига мувофиқ кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида юзага келадиган низоларни **судга қадар ҳал қилиш комиссияси томонидан ёки суднинг қарорига кўра** бекор қилиниши мумкинлиги;

13-моддасига мувофиқ кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш тартиби **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланиши** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансан:

жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хукуқларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид шикоятларини кўриб чиқиши;

кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш тартиби;

шикоятларни кўриб чиқишида мурожаат этувчиларнинг тенг хукуқлилиги, холислик, қонунийлик, коллегиаллик ва хукуқни қўллаш амалиётининг бир хиллиги принципларига қатъий риоя қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги **2024 йил 1 февралга қадар** Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда низоларни судга қадар ҳал қилиш реестри ахборот тизимини ишга туширсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 августдаги 426 – сон қарорига
илова

**Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан
ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар
ҳал қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал этиш тўғрисидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда кўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат рўйхатидан ўтказиладиган кўчмас мулклар – ер участкалари, бинолар, иншоотлар, шу жумладан, курилиши тугалланмаган обьектлар, кўп йиллик дов-дарахтлар, мулкий мажмуа сифатидаги корхоналар;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш – жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган хуқуқлари юзага келганлиги, бошқа шахсга ўтганлиги, чекланганлиги ва бекор қилинганлигини давлат томонидан тан олиш;

манфаатдор шахс – рўйхатдан ўтказувчи органда фаолият юритаётган ёки фаолият юритган рўйхатдан ўтказувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) қаратилган ёхуд бундай ҳаракат (ҳаракатсизлик) хуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл этган бошқа жисмоний ёки юридик шахс;

рўйхатдан ўтказувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси;

рўйхатдан ўтказувчи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари раҳбарлари томонидан тайинланадиган масъул шахслар;

худудий бошқарма – рўйхатдан ўтказувчи органнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари;

комиссия – кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келадиган низоларни кўриб чиқувчи орган;

апелляция комиссияси – комиссиянинг қароридан норози бўлган манфаатдор шахс ёки рўйхатдан ўтказувчи томонидан берилган мурожаатларни кўриб чиқувчи коллегиал орган.

3. Манфаатдор шахс кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишида қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этилмаган, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) унинг фуқаролик ҳукуқларини бузган деб ҳисобласа, рўйхатдан ўтказувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ташкил этиладиган комиссияга шикоят қилиши мумкин.

Манфаатдор шахс комиссиянинг қароридан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан ташкил этиладиган апелляция комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

4. Комиссияга мурожаат қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Комиссия ва апелляция комиссиясининг қарорларидан норози бўлган ҳолатларда кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ низолар суд тартибида кўриб чиқиласди.

Бунда судларда кўриб чиқиласди ёки кўриб чиқилаётган низолар комиссия томонидан такроран кўриб чиқилмайди.

2-боб. Комиссияни шакллантириш ва унинг вазифалари

5. Комиссия рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг буйргуга асосан ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий таркибда тузилади.

6. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилувчи шахс ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни рад этган шахс комиссия аъзоси бўлиши мумкин эмас.

7. Рўйхатдан ўтказувчи органинг ёки унинг худудий бошқармасининг раҳбари (ёки раҳбар вазифаси юклangan шахс) комиссия раиси ҳисобланади.

Комиссия раиси:

комиссиянинг фаолиятини ва унинг регламентга риоя этишини ташкил этади;

манфаатдор шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жойини, санасини ва вақтини белгилайди;

комиссия мажлисларини ўтказади ва уларда раислик қиласди.

Комиссия раиси комиссия томонидан ишнинг ўз вақтида, тўғри ва вижданан бажарилишини ташкил этиш учун жавобгар бўлади.

8. Комиссия котиби манфаатдор шахслар мурожаатларининг ва комиссия иши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг сақланиши учун жавобгар бўлади.

9. Комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом ҳамда бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3-боб. Комиссия ва Апелляция комиссиясининг вазифалари

10. Қуидагилар комиссиянинг вазифалари ҳисобланади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини ушбу Низом ва қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ кўриб чиқиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиша юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилиш чораларини кўриш.

11. Қуидагилар Апелляция комиссиясининг вазифалари ҳисобланади:

комиссиянинг қароридан норози бўлган манфаатдор шахс ёки рўйхатдан ўтказувчи томонидан берилган шикоятларни ушбу Низом ва қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ кўриб чиқиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиша юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилиш чораларини кўриш.

12. Комиссия ва Апелляция комиссияси ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқиша:

тенг ҳукуқлилик, холислик, қонунийлик, коллегиаллик ва ҳукуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш;

мурожаат этувчиларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш принципларига асосланади.

4-боб. Комиссия ва Апелляция комиссиясининг ҳукуқлари ҳамда мажбуриятлари

13. Комиссия ва Апелляция комиссияси мурожаатларни кўриб чиқиша куидаги ҳукуқларга эга:

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларидан комиссия ва апелляция комиссияси ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича маълумотномалар, ахбороттаҳлилий материалларни белгиланган тартибда сўраш ва бепул олиш;

зарурат бўлганда, мурожаатларни кўриб чиқиша қатнашиш учун давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотларидан мутахассислар ва экспертларни таклиф қилиш;

комиссия ва апелляция комиссияси қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Комиссия ва апелляция комиссияси мурожаатларни кўриб чиқиша куидагиларга мажбур:

жисмоний ва юридик шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашувга йўл қўймаслиги;

мурожаатларни кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган қарорлар хаққонийлигини ва асосланганлигини таъминлаши;

мурожаатларни кўриб чиқиш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, сир сақланишига риоя қилиши.

Комиссия ва апелляция комиссиясига мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

5-боб. Комиссияга мурожаат қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

15. Манфаатдор шахс комиссияга кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишида юзага келган низоларни судгача ҳал этиш бўйича ёзма ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

16. Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи, электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва кўчмас мулкнинг жойлашган жойи (почта манзили) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Манфаатдор шахс аризага кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар ва хужжатларни ҳам илова қилиш ҳукуқига эга.

17. Манфаатдор шахсдан мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган маълумотлардан бошқа маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

18. Комиссия манфаатдор шахснинг мурожаатини келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичida кўриб чиқиши шарт.

Мурожаатларнинг сони бир ёки бир нечта бўлишидан қатъи назар, мурожаатлар комиссия томонидан мазкур бандда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

19. Комиссия котиби келиб тушган мурожаатларни шу куннинг ўзида рўйхатга олади.

Комиссия котиби келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқлигини ҳамда ундаги маълумотларнинг тўғрилигини текширади.

20. Жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи ёки юридик шахснинг тўлиқ номи ҳамда жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида нотўғри маълумотлар тақдим этилган мурожаат, шунингдек, шахсни идентификация қилиш имконини бермайдиган электрон мурожаат ёки имзоланмаган ва аноним ёзма мурожаат комиссия томонидан кўриб чиқилмайди.

Мурожаат рад этилган тақдирда, тегишли хулоса тузилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланиб, мурожаат этган шахс бу ҳакда бир иш куни ичидар хабардор қилинади.

21. Комиссия котиби комиссия аъзоларини ҳамда манфаатдор шахсни комиссия мажлиси ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин хабардор қиласи.

22. Комиссия йиғилиши комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, комиссиянинг янги мажлиси ўтказиладиган сана ва вақти эълон қилинади.

23. Манфаатдор шахс ёки унинг қонуний вакили комиссия томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишида иштирок этиш хуқуқига эга.

24. Комиссия аъзолари комиссия мажлисида мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра, кўриб чиқилаётган мурожаатдаги масалага доир барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни бекор қилиш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни бекор қилиш ва кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни ўз кучида қолдириш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ўз кучида қолдириш.

25. Комиссия қарори комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

26. Комиссия қарори унинг котиби томонидан баённома шаклида расмийлаштирилади.

27. Баённомада тегишлилиги бўйича манфаатдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, кўчмас мулк ҳақидаги тегишли маълумотлар ҳамда комиссия томонидан мазкур мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор кўрсатилиши керак.

Баённома комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

28. Комиссия котиби комиссия раиси томонидан тасдиқланган баённома нусхаси шу куннинг ўзида рўйхатдан ўтказувчи ва манфаатдор шахсга электрон почта орқали ёки уларнинг яшаш ёки жойлашган жойига (почта орқали) етказилишини таъминлайди.

29. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиша низоларни судгача ҳал қилиш реестри (кейинги ўринларда – реестр) шакллантирилади ҳамда унга келиб тушган шикоятлар ҳамда комиссия қарори билан расмийлаштириладиган баённомалар киритиб борилади.

Реестр Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан электрон шаклда юритилади.

30. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳукуқ юзасидан аниқланган янги ҳолатлар асосида комиссия томонидан қабул қилинган қарор қайта кўриб чиқилиши мумкин.

6-боб. Комиссия қарори юзасидан берилган мурожаатларни Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқиш

31. Апелляция комиссияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг буйруғига мувофиқ мазкур Низомга З-иловада келтирилган намунавий таркибда тузилади.

32. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилувчи шахс ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни рад этган шахс апелляция комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

33. Комиссия хulosасидан норози бўлган манфаатдор шахс рўйхатдан ўтказувчи комиссия хulosасини олган кундан бошлаб икки ой муддатда ёзма ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

34. Апелляция комиссиясининг йиғилиши, агар унда апелляция комиссияси аъзоларининг камидан учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Йиғилиши ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, апелляция комиссиясининг янги йиғилиши ўтказиладиган сана ва вақти эълон қилинади.

35. Манфаатдор шахс ёки рўйхатдан ўтказувчи томонидан берилган шикоят апелляция комиссияси томонидан ўн иш кунида кўриб чиқилади.

36. Апелляция комиссияси котиби апелляция комиссияси аъзоларини, рўйхатдан ўтказувчини ҳамда манфаатдор шахсни апелляция комиссияси йиғилиши ўтказиладиган кундан камидан уч кун олдин хабардор қиласди.

37. Манфаатдор шахс ёки унинг қонуний вакили ҳамда рўйхатдан ўтказувчи апелляция комиссия томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишида иштирок этиш ҳукуқига эга.

38. Апелляция комиссияси манфаатдор шахс ёки рўйхатдан ўтказувчининг апелляциясини кўриб чиқиш натижалари бўйича комиссия қарорини бекор қилиш ёки ўз кучида қолдириш тўғрисида қарор қабул қиласди ҳамда уни апелляция комиссияси котиби баённома шаклида расмийлаштиради.

39. Апелляция комиссиясининг қарори комиссия аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, апелляция комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

40. Апелляция комиссиясининг котиби баённома манфаатдор шахс ва рўйхатдан ўтказувчига электрон почта орқали ёки уларнинг яшаш ёки жойлашган жойига (почта орқали) етказилишини таъминлайди ҳамда реестрга киритади.

7-боб. Якуниловчи қоида

41. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага
келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда
юзага келадиган низоларни кўриб чиқувчи комиссияга
мурожаат қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиши**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Манфаатдор шахс	<p>Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда Давлат кадастрлари палатаси масъул ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиб, Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келадиган низоларни кўриб чиқувчи комиссияга (кейинги ўринларда – Комиссия) ёзма равишида ёки Давлат кадастрлари палатасининг расмий веб-сайти орқали ариза беради.</p>	Заруратга кўра
2-босқич	Комиссия	<ol style="list-style-type: none">1. Манфаатдор шахснинг аризасини кўриб чиқади.2. Аризада келтирилган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келган низоларни судгача ҳал қилиш чораларини кўради.3. Манфаатдор шахснинг аризасини унинг хоҳишига кўра манфаатдор шахс ва Комиссия аъзолари иштирокида Комиссия мажлисида муҳокама қиласи.4. Аризани кўриб чиқиши натижалари бўйича тегишли қарор қабул қиласи.	Ўн иш куни муддатда

3-босқич	Манфаатдор шахс	Комиссия қароридан норози бўлганда, ёзма равишда ёки Давлат кадастрлари палатасининг расмий веб-сайти орқали Апелляция комиссиясига мурожаат қиласди.	Комиссия қарорини олган кундан бошлаб икки ой муддатда
4-босқич	Апелляция комиссияси	<ol style="list-style-type: none">1. Манфаатдор шахснинг мурожаатини кўриб чиқади.2. Манфаатдор шахс ёки унинг қонуний вакили ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг рўйхатдан ўтказувчи масъул ходимига Апелляция комиссияда мурожаат кўриб чиқилишида иштирок этиш хуқуқини беради.3. Манфаатдор шахснинг аризани кўриб чиқиши натижалари бўйича Комиссиянинг қарорини бекор қилиш ёки ўз кучида қолдириш тўғрисида қарор қабул қиласди.	Ўн иш куни муддатда
5-босқич	Манфаатдор шахс	Комиссия ва апелляция комиссиясининг қарорларидан норози бўлган ҳолатларда судга шикоят қиласди.	Белгиланган муддатларда

Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага
келадиган низоларни судга қадар ҳал
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан
ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни
судга қадар ҳал қилиш комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------|---|
| Лавозимига кўра | – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бошқармаси бошлиги, комиссия раиси |
| Лавозимига кўра | – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бошқармаси бошлиги ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари |
| Лавозимига кўра | – Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги худудий бошқармасининг масъул ходими |
| Лавозимига кўра | – Адлия вазирлиги худудий бошқармасининг масъул ходими |
| Лавозимига кўра | – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси худудий бошқармасининг масъул ходими |
| Лавозимига кўра | – Адвокатлар палатаси худудий бошқармасининг масъул ходими |
| Лавозимига кўра | – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлар палатаси худудий бошқармасининг масъул ходими, комиссия котиби |

Изоҳ. Комиссия аъзолари бошқа ишига ўтганда, унинг таркибига ушибу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишили функцияларни бажарии зинмасига юкланган шахс киритиласди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага
келадиган низоларни судга қадар ҳал
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан
ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш
комиссияси қарорлари юзасидан берилган мурожаатларни
кўриб чиқадиган апелляция комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Лавозимига кўра

– Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Кадастр агентлиги директори ўринbosари,
апелляция комиссияси раиси

Лавозимига кўра

– Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Кадастр агентлигининг юридик хизмати бошлиғи

Лавозимига кўра

– Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлигининг масъул ходими

Лавозимига кўра

– Адлия вазирлигининг масъул ходими

Лавозимига кўра

– Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик
қўмитасининг масъул ходими

Лавозимига кўра

– Адвокатлар палатасининг масъул ходими

Лавозимига кўра

– Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Кадастр агентлигининг масъул ходими,
апелляция комиссияси котиби

*Изоҳ. Апелляция комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига
ушибу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишили функцияларни бажарии зиммасига
юклangan шахс киритилади.*

